



25 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ — ХАЛҚҚА ЯҚИН, ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

Хар бир инсон учун ўз ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкни турли хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилиш жуда муҳим масалалардан биридир. Шу боис, мамлакатимизда фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилди. Бунда асосий эътибор ички ишлар органларини халқ манфаатларига хизмат қиладиган тизимга айлантиришга қаратилди. Тан олиш керак, авваллари ички ишлар органлари тизимида салбий амалиёт сифатида жиноятчиликнинг олдини олиш эмас, балки унинг оқибати билан курашиш, пастдаги муаммони ўрганмасдан, тепадан буйруқ кутиш, фуқароларни қийнаётган масалаларни билмаслик ҳолатлари мавжуд эди. Бундай аҳвол кўпчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўларди.

► Давоми 3-бетда



САЙЛОВ ОЧИҚ-ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиш учун ташриф буюрган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари миссиялари билан учрашувлар ўтказди.

Дастлаб Туркий тилли мамлакатлар Парламент Ассамблеяси кузатувчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Миссия таркибига Туркия, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистондан экспертлар кириди. Улар Президент сайловида тайёргарлик ва сайлов жараёнини кузатиб боради.

Учрашувда томонлар туркий тилли давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, туризм, илмий-маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Делегация аъзолари Ўзбекистоннинг халқаро стандартлар жорий этилган миллий сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган изчил ишларни юқори баҳоладилар.

— Ўзбекистон — биз учун ота макон. Шубҳасиз, биз мамлакатимизда ўтказилаётган сайловни кузатишдан жуда мамнунмиз, — деди Туркий тилли мамлакатлар Парламент Ассамблеяси делегацияси аъзоси, Туркия Буюк миллат мажлиси депутати Режел Шекер. — Миссиямиз доирасида сайлов қонунчилигини ҳуқуқий экспертизадан ўтказамиз, округ ва участка сайлов комиссияларида бўлиб, сайловнинг очик-ошкора ўтказилишини кузатамиз. Умид қиламизки, 24 октябрда бўлиб ўтадиган ушбу муҳим воқеа мамлакат тараққиёти ва халқ манфаатларига хизмат қилади.

Америка янги хавфсизлик марказининг Ҳинд-Тинч океани дастури (CNAS) директори Лиза Кертис билан учрашув чоғида мартабали меҳмон Ўзбекистонга олдин ҳам келгани ва сўнгги йилларда мамлакатда катта ўзгаришлар юз берганига гувоҳ бўлганини таъкидлади.

Сўнгги 5 йилда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш борасидаги изчил ишларга юксак баҳо берилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш борасидаги фаол ташкилий фаолияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Лиза Кертис бўлажак Президент сайловида овоз бериш жараёни очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида ташкил этилишига ишонч билдирди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Парламентларо ассамблеяси кузатувчилари билан учрашувда миссия аъзоларига Президент сайловида тайёргарлик, жумладан, сайлов қонунчилигига киритилган янгилеклар хусусида батафсил ахборот берилди.

МДҲ Парламентларо ассамблеяси миссияси сайловни кузатади. Кузатувчилар гуруҳининг фаолияти МДҲ Парламентларо ассамблеясига аъзо давлатлар фуқароларининг овоз бериш ҳуқуқларига риоя қилиниши, парламентаризм ва демократияни ривожлантиришни мониторинг қилиш халқаро институти томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Сўхбат сўнггида МДҲ ПА кузатувчилари сайловнинг халқаро мезонларга мувофиқ, очик ва шаффоф ўтказилишида муваффақият тилади.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА муҳбири



СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Европада янги Ўзбекистон ҳақида китоб чоп этилади

Пойтахтимиздаги халқаро медиа-холлда Президент сайлови муносабати билан юртимизга ташриф буюрган хорижий кузатувчилар иштирокида учрашувлар ташкил этилмоқда. Муҳбиримиз уларнинг Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнлари ҳамда тайёргарлик ишлари, шунингдек, мамлакатимиздаги ўзгариш ва янгиланишлар хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

► Давоми 2-бетда



ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

мамлакат тарихидаги энг муҳим босқичлардан бири бўлиб, кейинги давр учун ривожланиш векторини белгилаб беради

24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар сайловга тайёргарлик жараёни ҳақидаги фикрларини билдирди.

Грегори Р.Копли, Стратегик тадқиқотлар халқаро ассоциацияси президенти ва бош таҳлилчиси (АҚШ):

— Ўзбекистондаги сайловларда иккинчи марта кузатувчи сифатида қатнашаман. 2019 йилдаги парламент сайловлари очик, шаффоф ва ташкилотчиликнинг юксак даражаси билан ажралиб тургани ёдимда.

Президент сайлови билан боғлиқ масалаларни ташкил қилиш парламент сайловларига қараганда анча мураккаб эканини таъкидлаш керак. Чунки ушбу сайлов кам сонли номзодлар иштирокида ўтказилади. Ўзбекистонда демократик тамойилларга тўла амал қилиниши бўлғуси тараққиёт учун муҳим омил саналади.

► Давоми 2-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ИННОВАЦИОН ТЕХНОПАРК: ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — БИР МАСКАНДА

Мехатроника, биотехнология, робототехника, дастурлаш... Дунёда кун сайин эҳтиёж ортиб бораётган ва ҳаётимиздаги аксарият ихтироларга йўл очаётган мазкур замонавий йўналишлар юртимизда жадал ривожланаётган соҳаларга айланыпти. Бир неча йил олдин биз учун янги бўлган бу тушунчалар бугун турмушимизнинг ҳар жабҳасига кириб бормоқда.

► Давоми 5-бетда

БАҒРИКЕНГЛИК

“МЕН ЧИНДАН ҲАМ БАХТЛИМАН!”

Пискент туманидагилар “Оқтепа” маҳалласида яшаётган Жонсаидовлар оиласини яхши билади. 85 ёшли қаршилаган Анара Жонсаидова турмуш ўртоғи Серикбой ота билан никоҳ риштасини боғлагандан бери қанча баҳор, қанча киш ўтди. Улар 9 фарзандни оқ юзиб, оқ тараб катта қилишди. Ҳозир ҳаммалари ҳаётда ўз ўринларини топишган.

► Давоми 4-бетда



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

мамлакат тарихидаги энг муҳим босқичлардан бири бўлиб, кейинги давр учун ривожланиш векторини белгилаб беради

Бошланиш 1-бетда



Геннадий Бессонов, Трансевроосий юк ташувлари бўйича халқаро муовиқлаштирувчи кенгаш бош қотиби:

— Ўзбекистон Президенти сайловида биринчи марта қатнашялман. Ўзбекистон менинг ҳам Ватаним. Мен шу заминда туғилганман ва улгайганман. Қирқ йилдан бери Россияда яшайман.

Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг таклифномасини бажонидил қабул қилдим. Чунки Президент сайлови мамлакат тарихидаги энг муҳим босқичлардан бири бўлиб, кейинги давр учун ривожланиш векторини белгилаб беради, деб ҳисоблайман.

Кузатувчи сифатида, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин



ифода этиш ҳуқуқи қандай таъминланаётгани, сайлов комиссиялари нақадар очиқлиги, сайловчиларга ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш учун яратилган имкониятларга эътибор қаратялман.

Айтишим мумкинки, Президент сайловида юқори даражада тайёргарлик қўрилган. Сайловчиларнинг мамлакат раҳбарлиги учун курашаётган номзодлар билан очик мулоқот, турли долзарб масалаларнинг очиқ-ойдин таассуротим — сайловчилар учун барча шароит ва имкониятлар тақдим этилган.

Альдона Михалёк, Польша Аёллар лигаси бошқаруви раиси:



Януш Пехочинский, “Польша-Осиё” савдо-саноат палатаси раиси:

— Польшада кечган кузатувимиз давомида Ўзбекистон Президенти сайловида тайёргарлик жараёни Марказий сайлов комиссиясининг юксак профессионаллиги ва сайлов жараёнининг Венеция комиссияси ва бошқа ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган Европа демократик стандартларига мувофиқлигини тасдиқлади.

Президент сайлови сўнгги йилларда давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёти ва ижтимоий сиёсати таъминларини жадал янгилаш йўлидан бораётган мамлакат учун муҳим сиёсий воқеадир.

23 октябрь куни сайловга тайёргарлик жараёни билан танишишда давом этамиз. 24 октябрь куни эса, Самарқанд шаҳрида сайловни кузатишни режалаштирганмиз. Тошкентдаги учта сайлов участкасида бўлганимизда уларнинг сайловга тўлиқ тайёрлигини, Президентликка номзодларнинг



“Дунё” АА

Поллинс Брайан, Огайо давлат университети профессори (АҚШ):

— Ўзбекистон Президенти сайловида демократиянинг ёрқин ифодаси бўлган кўппартиявийлик мавжудлиги эътиборни тортмоқда. Мен Президентликка номзодларнинг сайловолди дастури билан танишиб чиқдим, улар рақобатбардорлиги билан ажралиб турибди.

Пандемия шароитига қарамадан, сайлов кампанияси юқори даражада ташкил этилган. Бундан ташқари, ушбу жараёни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилганда миллий ва хорижий журналистлар учун қулай имкониятлар тақдим этилган.

МЕНИНГ БИРИНЧИ ОВОЗИМ

БИЗ САЙЛОВГА ТАЙЁРМИЗ!

Раъно ҒОЗИЕВА, Низоий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси:

— 24 октябрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юртимизда улкан аҳамиятга молик ҳодиса саналиб, ҳар бир соҳада мазкур жараёнга катта тайёргарлик қўрилмоқда. Бу жараёнда фуқароларнинг, хусусан, биз — ёшларнинг ҳам сайлов бўйича билим ва тушуinchаларимиз кенгаймоқда.

Ўзбекистон — ёшлар мамлакатидир. Юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг гоя ва ташаббусларини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилганда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, талаба-ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган янгиликларни ҳам эътироф этиш жоиз бўлади.

Бу йил коронавирусга қарши вакцина олган тала-



— Юртимизда тадбиркорлар, хусусан, ёшлар учун ҳар бир соҳада катта имкониятлар эшиги очилаётгани мамлакат ҳаётида бизнинг ҳам ўз ўрнимизни топишга интилишимизга шароит яратмоқда. Ёш тадбиркорлар учун кредит ва субсидия олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш, экспорт ва импорт каби масалаларда қўллаб-имтиёзлар берилган. Ортиқча текширувлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича мавжуд чекловлар, тўсиқларга барҳам берилди. Энг асосийси, ёш тадбиркорларга нисбатан муносабат ўзгарди. Жамиятда уларнинг мавқеи кун сайтин ортмоқда. Натижада ички ва ташқи бозорларда мустақам ўрнига, нуфузи ва брендига эга бўлган ёш тадбиркорлар синфи шаклланди. Шундай ёшлар орасида борлигимдан фойдаланаман.

2020 йили Ёшлар иттифоқи Бойсун туман бўлими кўмағида тадбиркорлик билан шугулланиш мақсадида 100 миллион сўм кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдим: туманимиз марказидан аҳолига қулай бўлган жойдан озик-овқат дўкони очдим. Бу орқали беш киши доимий иш билан таъминланди. Бугун дўконимиз иккита бўлди, ишчилар эса 8 нафарга етди. Тадбиркорлик

баларнинг бир йиллик тўлов-шартнома пули миқдоридан 10 фоизи чегириб ташланиши, шунингдек, шартнома пулини ойма-ой бўлиб тўлаш мумкинлигининг ўзи ҳам биз учун катта имтиёз. Шахсан ўзим шу имтиёзлардан тўлиқ фойдаланаялман.

Ўзбек тили ва адабиёти йўналишида тахсил оламан. Ўзбекистонда она тилимизга бўлган эътиборнинг қонуний асослари мустақамлангани ҳам қалбимизда фахр туйғусини уйғотади. Демокриманки, юртимизда байрамлар кўп, улар орасида она тилимиз байрами ижтимоий-сиёсий аҳамияти билан ажралиб туради. Ўз навбатида, 24 октябрь куни ҳам биз учун байрам саналади. Зеро, шу куни ўз Президентимизни сайлаймиз. Бу келгуси ҳаётимиз асосини белгилаб беради.

Мен бу сайловда илк бор овоз бераман. Шу боис, сайлов кунини зўр ҳаяжон, катта қизиқиш билан кутаялман. Куни кеча сайловга таклифнома олдим. Демак, келгуси фаровон ҳаётимиз, порлоқ келажакимиз учун овоз бераман.

ортдан қўллаб-қувватлаш эришдим, шахсий автомашинага эга бўлдим, янги кўп қаватли уйлардан бирига бошланғич тўлов қилдим. Даромадимнинг бир қисmini эътиҳаманд оилаларга ёрдам бериш учун сарфлаялман.

Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида биринчи марта овоз бераман. Уйимизга яқин ҳудуддаги сайлов участкаси олдида ҳар кун ўтиб-қайтар эканман, беихтиёр кечаги ва бугунги куним кўз олдимдан ўтади. Биласизми, чикарган ҳулосаларимдан қалбим гурур-ифтихорга тўлади. Кеча орзу ва мақсадлари биёв, уларни амалга ошириш учун ҳаракатдан тинмаётган бола эдим, бугун ана шу орзу-умидларим амалга оша бошлади.

Мен бу йил фаровон, буюк келажаким учун, давлат учун, халқ учун сайловда ўзим муносиб, деб билган номзодга овоз бераман. Ўз тенгдошларимни ҳам бу сиёсий жараёнда фаол қатнашишга қорлаб қоламан. Инсон ўз тақдир йўлини танлаши қийин, аммо бутун давлат тақдирини ҳақида гап борганда танлов янада масъулиятлироқ. Ишонманки, менинг танловим — келажакда ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.



СЎЗ – ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Европада янги Ўзбекистон ҳақида китоб чоп этилади

Бошланиш 1-бетда

Александр Вильгелм, “Mueller & Schindler” наشريёти вице-президенти (Австрия):



— Ўзбекистонга илк ташрифим 2015 йил бўлган. Шундан бери яна бир неча бор мамлакатимизда бўлдим. Сафарларим давомида юртингизда рўй бераётган ўзгариш ва янги-ланишларни кўриб, рости, ҳайратга тушаман.

Ўзбекистонда гендер тенглиги таъминланмоқда

Ги Оливье Фор, Сорбонна университети фахрий профессори (Франция):



— Ўзбекистон бугун дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўрнига эга мамлакатга айланди. Шу боис, мамлакатдаги сиёсий жараёнларга қизиқишим катта.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президент сайловида биз каби халқаро кузатувчиларнинг таклиф этилиши жараёнларнинг очик ва шаффоф ташкил этилганини англатади. Бугун дунёда гендер тенглик масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Президентликка номзодлар орасида аёл кишининг ҳам борлиги Ўзбекистонда гендер тенглигига эътибор юксак эканидан далолат. Мен айнан шу номзод билан учрашиб, унинг сиёсий фикр ва мулоҳазалари билан танишишни истардим.

Халқаро медиа-холлда ёшларнинг кўплиги эътиборини тортди. Демак, улар сиёсий жараёнларга бефарқ эмас.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Башорат ЮНУСОВА ёзиб олди.

Айни кунларда қаерга қараманг, 24 октябрь якшанба куни бўладиган Ўзбекистон Президенти сайлови мавзуси авжида. Мазкур ҳолат, албатта, яхши. Фуқароларнинг сиёсий ҳабардорлиги, шахсий позицияси анча ўсган. Лекин “Сайловга чиқмаймиз? Бизга нима қилиб беради?” деган иддаолар ҳам қулоққа чалиниб қоляпти. Бу ҳам етмагандай, баъзилар ўзининг тор фикрини ўзгаларга ҳам юктиряпти, онгини бузаяпти, чалғитаяпти.

ТЎЙГА ТАКЛИФНОМА КЕЛДИ, БОРАСИЗМИ?!

Ошхона, сартарошхона, чевархона, савдо дўконлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, жамоат транспорти, одамлар гавжум жойларда сиёсий жараёнлар қизин муҳокамада. Янги сайловнинг аввалиларидан фарқи солиштирилмоқда. Шунинг учун 5 та сиёсий партиядан кўрсатилган номзодларни батафсил ўрганинг, уйлаб қарор чикаринг. Муносиби учун ўз хоҳиш-иродангиз, танловингизни амалга оширинг!

Мана, ниҳоят, кутилган сана ҳам останада турибди. Ҳаммамизнинг хонадонимизга сайлов таклифномаси кириб борган бўлса керак. Ҳа, инсон учун сайлаш ва сайланиш конституциявий ҳуқуқдир! Дунёда бу ҳуқуқдан мосуволар қанча. Шундай экан, фаол фуқаролик ва дахлдорлик хисси билан ОВОЗ БЕРИШГА шай турайлик!

Хуллас, мамлакатимиз миқёсидаги муҳим сиёсий жараёнга бепасанд ва бефарқ бўлмайлик. Чет эллик меҳмонлар, халқаро кузатувчилар бизнинг сиёсий маданиятимиздан, иштирокимиздан ибрат олишсин. Унутманг, сизнинг овозингиз, бюллетенга қолдирган белгингиз кўп нарсани ҳал этади ва алоҳида аҳамиятга эга. Ривожланишга юз тутган мамлакатнинг қадрли фуқароси экансиз, муносабатингизни ҳам чиройли билдириш вақти келди. Зеро, бу мамлакат ҳаётидаги энг долзарб сиёсий кампаниядир. Ҳа, сайлов куни халқимизга хос буюк қадриятларимиз — бирдамлик, аҳиллик, ҳамжихатлик сингари юксак ғазилатларимизни яна бир бор намоян қилиб, бу муҳим сиёсий жараёни уюшқоқлик билан ўтказайлик!

Келинг, бир мулоҳаза юритайлик. Дейлик, яшаш ҳудудингизда ҳурмат қилиб сизни тўйга



таклиф қилиб хат ташлаб кетишди, нима қиласиз, борасиз-да, тўғрими? Ахир “Чақирилган жойдан қолма!” деган гаплар бор халқимизда. Демак, 24 октябрь, якшанба — дам олиш куни эрталаб соат 8.00 дан 20.00 гача ўзингизга қулай вақтда сайлов участкасига боришингиз учун давлатимиз байрамона тараддуд қурмоқда. Шу куни Ўзбекистоннинг катта сиёсий тадбири — элга келган тўй эканини ёдда тутинг!

Қани, сиз учун махсус ёзилган сайлов таклифномасини ва паспортингизни рўпарангизга ҳозирлаб қўйинг. Дарвоқе, ҳар ким ўзи учун овоз беради, жонажон юртимизнинг йирик расмий тўйида шахсан қатнашишга, оила аъзоларингиз иштирокини таъминлашга тайёрланг!

Орифжон ЖЎРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Оятулло НЕЪМАТОВ, ёш тадбиркор:



25 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ — ХАЛҚҚА ЯҚИН, ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

Пўлат БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг
генерал-лейтенант

Бошланиши 1-бетда

Якни йиллар ичида эса Ўзбекистоннинг барча давлат идоралари каби ички ишлар органларида ҳам раҳбарлар томонидан фуқаролар билан мулоқот ўтказиш, жиноятларни маҳаллаларнинг ўзидан муҳофиза қилиш, энг чекка ҳудудларга бориб, аҳолининг дардини эшитиш, муаммоларини ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди.

Биринчи навбатда, ички ишлар органларининг 85 фоиз ходими қўйи тизимга туширилди ва халққа яқинлаштирилди.

Ҳар бир маҳаллага профилактика инспектори ажратилиб, уларнинг сони 5,5 мингдан 10 минг нафаргача оширилди. Инспекторлар ўз ҳудудда узлуксиз хизматни ташкил этиши учун уларга хизмат уйлари қўриб берилди, шахсий автомашина харид қилиши учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда ҳар бир профилактика инспектори маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот бўйича ўринбосарига айланди, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифалари кенгайди.

Соҳага илғор ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарликни қайд этувчи планшетлар, бодикамера, интернет тармоғига уланган компьютерлар татбиқ этилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича “Смарт маҳалла” дастури яратилди, суд мажлисларини онлайн тарзда ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бугунги профилактика инспекторларининг фаолияти аҳолининг кунлик муаммолари ва кунлик эҳтиёжлари билан куну тун ишлайдиган тизим сифатида шаклланди, десак тўғри бўлади. Бундан ташқари, оила ва хотин-қизлар муаммолари бўйича ишлашда яқиндан кўмак берувчи 362 нафар аёл инспектор, маҳаллаларда 1100 нафар инспектор-психолог ва вояга етмаганлар масалалари бўйича 360 нафар инспектор фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар бир раҳбар ва ходимнинг жиноятчиликка қарши курашишга бўлган қараш тубдан ўзгарди. Уларга рақам ёки фойзалар ортидан қувиш эмас, балки фуқароларнинг мол-мулки, соғлиғини ишончли ҳимоя қилиш асосий вазифа этиб белгиланди. Жиноятчилик статистикасини юртида халқроқ ҳамжамият томонидан эътироф этилган ижобий тажрибадан келиб чиқиб, жиноятчилик кўрсаткичини 100 минг аҳоли сонига нисбатан ҳисобланиши йўлга қўйилди.

Криминоген вазиятни ҳолисона таҳлил қилиш, жиноятларни яширмаслик мақсадида хо-



димлар ташаббуси билан аниқланадиган жиноятларни ижобий натижа сифатида баҳолаш тизимига ўтилди.

Бугунги кунда барча ҳудудларда жиноятлар секторлар кесимида таҳлил қилиниб, вазиятга маҳаллада хавфсиз шароит яратилганига қараб баҳо берилмоқда ва шундай ёндашув криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун замин яратмоқда.

Илгари жиноятдан холи ҳудудга айланган маҳаллалар улуши 13 фоиздан ошмаган бўлса, бугунги кунда улар сони 4,5 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Шу даврда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан жиноятлар сони эса қарийб 1,5 баравар — 229 тадан 182 тага камайди. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон МДҲда энг хавфсиз давлат ҳисобланади.

Ички ишлар органларида амалга оширилган ишларнинг давомида ҳар бир фуқаронинг мушкуллини осон қилиш, жумладан, ички ишлар органлари томонидан аҳолига қулай ва ортиқча сарсонгарчиликсиз давлат хизматларини кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бу борада аҳолини қўл йиллар мобайнида қийнаб келаётган прописка тартиби бекор қилинган, фуқаролиги бўлмаган минглаб шахслар Ўзбекистон фуқаролигини олгани ҳам ишларнинг самарасидир. Қайд этиш керакки, 6 ойга хорижга чиқиш учун бериладиган рухсатнома ўрнига 10 йил амал қилувчи биометрик паспорт, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ўрнига ID карта жорий этилди.

Фуқароларнинг паспортни расмийлаштириш, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш каби хизматларни олиш учун кунлаб ички ишлар органи биноси олдидан навбатда туриш амалиётига чек қўйилди ва ушбу хизматлар Давлат хизматлари агентлиги орқали ҳам кўрсатилмоқда.

Янги автомашиналар учун бир йиллик мажбурий техник кўрик бекор қилинди, талабдор давлат рақам белгиларини аукцион тартибидан харид қилишга рухсат берилди.

Коррупцион омилларни камайтириш мақсадида йўл ҳаракати қоидабузарликларини аниқлаш, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш

учун имтиҳон қабул қилиш, техник кўриқдан ўтказиш бўйича хизматлар тадбиркорлик субъектларига берилди.

Фуқаролар орасида салбий ном чиқарган “Жаслик” ва “Тоштурма” колониялари тўлиқ тугатилди. Маҳкумларни сақлаш жойлари ва маҳкумлар сони бўйича маълумотлар очиқланди, уларга сайлаш, пенсия таъминоти ва ижтимоий сўғурта олиш, касб эгаллаш, таълим ва сифатли тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи берилди. Ўзининг қилмишидан чинакам пушаймон бўлган 5 мингдан зиёд фуқаро инсонпарварлик тамойили асосида афв этилди.

Жиноятларни фош этиш ва жамоат хавфсизлигини инсон омили таъсирини истисно этган ҳолда, таъминлаш тизимига ўтилди. Шу мақсадда “ғезелла ойнаси” билан жиҳозланган ва видеоқонференцалоқа тизимига уланган 44 та махсус тергов хонаси ташкил этилди. Тергов ҳаракатларини қайд этувчи 1324 та ва қамоқда сақлаш жойларида 5 мингдан ортиқ видеокузатув мосламаси ўрнатилди.

Ички ишлар органларида келтирилаётган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли таъминлаш учун жами 382 та сўровхона ташкил

аҳолининг кунлик муаммолари билан ҳамнафас бўлишини таъминлашга қаратилди.

Айтиш жоизки, илгари ҳудудларда содир этилган жиноятлар ва йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида аҳолига ҳеч қандай маълумотлар берилмасди. Эндиликда ҳар бир раҳбар ва профилактика инспектори вакиллик органларига ҳисобот бериши тизими йўлга қўйилиб, жиноятларнинг сабабларини “маҳаллабай” ва “соҳабай” муҳофиза қилиш амалиётига ўтилди.

Тизим фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш учун 21 та веб-сайт, ижтимоий тармоқларда эса 78 та расмий sahifa юритилмоқда. Улар орқали ҳар куни 1,6 миллиондан зиёд доимий фойдаланувчига маълумотлар тақдим этилмоқда.

Қисқа давр ичида ички ишлар органларининг моддий-техник базаси янгиланди, хизмат шароитлари яхшиланди. Сўнгги йиллар мобайнида тизимда 241 та хизмат уйи қурилди, 2 245 та хонадон олиш учун ипотека кредити расмийлаштирилди, 79 та замонавий маъмурий бино барпо этилди.

Ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг ойлик маошлари оширилди.



этилиб, келтирилган ҳар бир фуқаро билан суҳбатларни видеокамераларга узлуксиз ёзиб олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Жамоат жойларидаги вазиятни кузатиб бориш учун 16 та ситуацион вазиятлар маркази ташкил этилиб, уларга кўчалар, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий объектларга ўрнатилган 100 мингдан зиёд видеокамера ва 8 мингдан ортиқ тезкор қақирув тугмаси интеграция қилинди.

Йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимлари 6100 та бодикамера, 179 та алкотестер, ҳуқуқбузарликларни қайд этувчи 6874 та планшет билан таъминланди. Мазкур ишларнинг барчаси ички ишлар органлари ходимларининг юқори профессионаллик билан хизмат ўташи,

ди, хизмат вақтида ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандларига ўқига қириши учун алоҳида квоталар ажратилди. Ички ишлар органлари фахрийлари ва уларнинг оила аъзоларига арзонлаштирилган нархда тиббий-ижтимоий ёрдам олиш имконияти яратилди.

Худудларнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, жиноятчиликка қарши курашининг янги моделлари амалиётга босқичма-босқич татбиқ этилмоқда. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Миллий гвардия билан бирга 3 сменали патруллик хизмати йўлга қўйилиб, жуғрофий жиҳатдан мураккаб вилоятлар минтақаларга бўлиниб бошқариладиган бўлди.

Россия, Қозоғистон, Германия каби мамлакатларнинг ижобий тажрибасига таянган ҳолда, ўзига хос муниципал полиция сифатида маҳаллий бюджет ҳисобидан 41 та ички ишлар бўлинимаси фаолияти йўлга қўйилди. Қўллаб-қувватловчи мамлакатларда тўлақонли фаолият юритаётган туризм полицияси, экология полицияси, пробация, киберхавфсизликни таъминлашга ихтисослашган бўлимлар ташкил этилди.

Интерпол ва Европол каби халқаро ташкилотлар ҳамда 78 та давлат полицияси билан ҳамкорлик мустақамланди.

Ёш авлодни болалигидан бошлаб Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш учун ҳар бир ҳудудда 14 та академик лицей, Тошкент шаҳрида ихтисослаштирилган мактаб-интернат, Нукусда эса “Темурбеклар мактаби” очилди.

Ходимларнинг касбий билим ва амалий кўникмаларини ошириш масаласига ҳам алоҳи-

**ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ
ЭТИШ ВА ЖАМОАТ
ХАВФСИЗЛИгини ИНСОН
ОМИЛИ ТАЪСИРИНИ
ИСТИСНО ЭТГАН ҲОЛДА,
ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИГА
ЎТИЛДИ. ШУ МАҚСАДДА
“ҒЕЗЕЛЛА ОЙНАСИ”
БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН
ВА ВИДЕОКОНФЕ-
РЕНЦАЛОҚА ТИЗИМИГА
УЛАНГАН 44 ТА МАХСУС
ТЕРГОВ ХОНАСИ ТАШКИЛ
ЭТИЛДИ. ТЕРГОВ
ҲАРАКАТЛАРИНИ ҚАЙД
ЭТУВЧИ 1324 ТА ВА
ҚАМОҚДА САҚЛАШ
ЖОЙЛАРИДА 5 МИНГДАН
ОРТИҚ ВИДЕОКУЗАТУВ
МОСЛАМАСИ
ЎРНАТИЛДИ.**

да эътибор қаратилмоқда. Бу борада жорий йилдан бошлаб янги узлуксиз “ўқув-карьер” тизими амалиётга татбиқ этилди. Энди ходимлар навбатдаги унвон олиш ёки янги лавозимга тайинланишдан аввал Малака ошириш институтида сайёр, масофавий ёки кундузги мажбурий малака ошириш курсларида ўқийди.

Раҳбарлар захирасини яратиш учун ҳар йили 150 нафар ходимнинг вазирлик академиясида ташкил этилган икки босқичли магистратурада таҳсил олиш тизими яратилди.

Мамлакатимизда хавфсизлик соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг натижалари халқроқ ҳамжамият томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда. Хусусан, “The world justice project” халқаро нодавлат агентлиги томонидан 2021 йил учун берилган маълумотларга кўра, Ўзбекистон “Тартиб ва хавфсизлик” индикатори бўйича дунёда 139 мамлакат ичида 16-ўринни, Осиё қитъасидаги 27 давлат орасида 4-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллаган. Бу ҳам мамлакатимизда хавфсиз шароитлар яратилганидан далолат беради.

Бироқ бу рақамлар хотиржамликка берилишга сабаб бўла олмайди. Шунинг учун ҳам келгусида ички ишлар органлари тизимини чинакам халқчил профессионал тузилмага айлантириш борасида бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади.

Биринчидан, турли ижтимоий муаммолар боис, жиноятга қўл уриши мумкин бўлганлар, илгари судланганлар, ғиёҳвандлар, уюшмаган ёшлар, девиант ҳуқ-аъвоҳдаги ўсмирлар каби шахслар тоифаси билан “маҳаллабай” тарзда ишлаш амалиёти янада жадаллаштирилади.

Бунинг доирасида ички ишлар органларининг хизмат фаолиятига хос бўлмаган функция ва тузилмаларини тўлиқ мақбуллаштириш, янгича ишлаш амалиёти, шу жумладан, ювенал профилактика кластери, аҳолига психологик хизмат қўрсатиш каби янги йўлга қўйиш орқали тизимни ҳар бир оилга яқинлаштириш чоралари кўрилади.

Иккинчидан, аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш ва ортиқча сарсон бўлиш ҳолатларининг барвақт олдини олиш мақсадида фуқароларни яшаш жойи бўйича электрон ҳисобга олиш, паспорт соҳасидаги хизматларни ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларга уйга бориб кўрсатиш амалиёти ҳаётга татбиқ этилади.

Учинчидан, жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини бодикамера ёрдамида назорат қилиш ҳамда мобиллигини ошириш орқали уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, автомобил йўлларида ҳаракатланиш учун хавфсиз шароитларни яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Тўртинчидан, тизим ходимларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларининг қатъий тартиби белгиланади ҳамда кунлик хизмат фаолиятини профессионаллик даражаси ва ижтимоий фикр асосида баҳолаш бўйича таъсирчан тизим жорий этилади.

Бир сўз билан айтганда, янги ички ишлар органларини яратиш учун барча зарурий чоралар кўрилади. Мақсадимиз аниқ — Ўзбекистонда тинч-осойишта ҳаётни таъминлаш, фуқароларимиз ҳақ-ҳуқуқларини, хавфсизлигини ишончли ҳимоя қилиш.





“МЕН ЧИНДАН ҲАМ БАХТЛИМАН!”

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Тожики ота ва қозоқ онанинг етти келини ўзбек, қозоқ, рус, уйғур, грузин, чечен миллатига мансуб. Тили, дини ва урф-одатлари турлича бўлса-да, уларнинг аҳил-иноқ ва ҳамжиҳатликда умргузаронликда ҳаёт кечиришгаётганига ҳамма ҳавас билан қарайди.

— Оила жуда муқаддас тушунча. Унда янги авлод дунёга келади. Аҳил ва иноқ оилада эса юрт қорига ярайдиган фарзандлар улғайиб, вояга етади. Аслида, ўзбек, қирғиз, қозоқ, уйғур, ҳаммамиз Ўзбекистон деган гўзал мамлакат фарзандларимиз, — дейди Анаора ая биз билан суҳбатда. — Раҳматли чолим Серикбойга турмушга чиққанымда 20 ёшда эдим. Бир-биримизга кўнглимиз тушиб, дилимиз пайвандлашган. Бироқ бу саодатли кунларга етиб келгунча қанча машаққат чекканмиз? Турғунлик йилларида қора қозонимиз қайнамаган кунлар кўп бўлган. Бугдой унига арпа унини аралаштириб нон ёпардим. Етишмовчиликда, фарзандларимни кийимларини ямаб-тикиб, бир-бирига кийдириб вояга етказсак-да, ҳаётдан ҳеч қачон ноглимаганимиз. Етти ўғлим етти миллатнинг қизига уйланди. Қаршилиқ қилмаганимиз. Келинларим бири-биридан меҳрли, пазанда ва меҳнатқаш. Шундай тинч, обод ва фаровон юртда ўзаро тотувликда яшаётганимга доимо шукрона айтаман.

Жонсаидовлар хонадони ҳеч бир ҳашамсиз бўлса-да, камтарона ховлининг тўрт тарафи гулу гулзорлар билан ўралган. Ўзгача бир файзли хонадон аъзоларининг бир-бирига бўлган меҳру муҳаббатини кўриб, аслида бу омонат умрнинг зийнати мана шу оқибат ва одамийликда эмасмикин, деб ўйлаб қолдим.

— Маҳалламизда қозоқ, рус, тожик, озарбайжон, татар каби бир неча миллатга мансуб 2,5 мингдан ортиқ турли аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси Ғайрат Шеронов. — Ишонасизми, маҳалламизда умуман оилаларнинг ажралиш ҳолатлари йўқ. Биттаси бор эди, яқинда келин ва куёвни биз катталар ўртага тушиб, яраштириб қўйдик. Жонсаидовларни эса миллатлар ва эзлатларни бирлаштириб турувчи, уларнинг ҳамдўстлигини ифодаловчи намунавий оила сифатида биламиз. Улар хонадонидан маҳалладошларимиз доимо ўрнатқолади.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

— Акам Абдумуталиб турк қизига уйланган. Улар 9 йил фарзанд кўришмади, — дейди Анаора опанинг қизи Дилором. — Акамга фарзандсиз ўтасанми, ажралиб, бошқасига уйлан, дегувчилар кўп бўлди. Лекин акам ва келиноийм юракни тиглайдиган сўзларни ичига ютиб, бир-биридан воз кечмади. 10 йил деганда уларга Яратган ўғил фарзанд берди. Биласизми, турмушга чиққач, менинг ҳам фарзандим бўлмади. Югурмаган жойимиз, бормаган дўхтиримиз қолмади. Фарзандсизлик нима эканини, унинг юки нечоғли оғир бўлишини билган жигарим — акам доимо кўнглимга таскин берарди. Келиноийм иккинчи фарзандини дунёга келтирганида, акам қизалоғини бизга берди. Келиноийм бир сўз демай рози бўлди. Улар туфайли мен ҳам оналик бахтига муяссар бўлдим. Сиз ўша вақтдаги ҳолатимни, шодлигимни тасаввур ҳам қила олмайсиз!

“**ҲА, МЕН ДИЛОРОМНИНГ ФАРЗАНДСИЗЛИК ТУФАЙЛИ ЧЕККАН АЗОБЛАРИНИ ТўЛА ҲИС ҚИЛА ОЛМАСМАН, АММО ОНАЛИК МАҚОМИГА ЭГА БўЛГАН АЁЛНИНГ ҚАНЧАЛИК БАХТИЁР ЭКАНИНИ У БИЛАН СУҲБАТЛАШИШ АСНОСИДА ЯХШИРОҚ АНГЛАДИМ. МАНА, СИЗГА АКАНИНГ СИНГИЛГА БўЛГАН ОҚИБАТИ! ИНСОНИЙЛИКНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАСИ! ФАРЗАНДЛАРНИНГ БИР-БИРИГА БўЛГАН МУСТАҲКАМ МЕҲРИГА САБАБЧИ ЭСА МАҚОЛАМИЗ ҚАҲРАМОНИ АНОРА АЯДИР.**”

Ҳа, мен Дилоромнинг фарзандсизлик туфайли чеккан азобларини тўла ҳис қила олмасман, аммо оналик мақомига эга бўлган аёлнинг қанчалик бахтиёр эканини у билан суҳбатлашиш асносида яхшироқ англадим. Мана, сизга аканинг сингилга бўлган оқибати! Инсонийликнинг олий даражаси! Фарзандларнинг бир-бирига бўлган мустаҳкам меҳрига сабабчи эса мақоламиз қаҳрамони Анаора аядир.

— Қайнонам дунёдаги энг меҳрибон ва энг яхши она, — дейди хонадоннинг еттинчи келини Анна. — Севги ёш, миллат тан-

ламас экан. Эрим ўзимдан ўн уч ёш катта. Севиб турмуш қурганмиз. Менга уйланиш учун тўрт йил кутган. Ҳозир 2 фарзандимиз бор. Қайнонамнинг баланд овозда сўзлаганини ҳеч ҳам эслай олмаيمان. Шунчалар хокисор ва меҳрибонки, буни сўз билан ифодалай олмаيمان. Тиниб-тинчимайди. Ҳамма ишимда кўмак беради. Мен чиндан ҳам бахтлиман!

Жонсаидовлар оиласининг энг тўнғичи Маҳмудали рус қизи Йрага, эгизак Ҳасан ва Хусан ўзбек ва тожик қизлари Фотима ва Норгулга, тўртинчи фарзанд Турсунали уйғур қизи Лолага, Суннатилла қозоқ қизи Алияга, Абдумуталиб турк қизи Раънога ҳамда кенжа ўғил Абдусамат грузин қизи Аннага тўй-томашалар билан уйланиб, бахтли-саодатли ҳаёт кечирмоқда.

— Дадам ва онам жуда болажон бўлган, — дейди Суннатилло. — Шунинг учун ҳам серфарзанд оиламиз. Онам билан дадам салкам қирқ йил бахтли яшади. Дадам раҳматли етим ўсган, ота-онаси ёшлигида вафот этишган. Иккала акиси эса урушда

ном-нишонсиз, бедарак йўқолган. Дадамни бувим катта қилган. Эсимни танибманки, меҳнатда чинқидик. Ер чопамиз, иссиқхонада кўчат ундирамиз, мол боқамиз, хуллас, нонимизни пешона теримиз билан топиб, бировдан кам бўлмаямиз. Эсимда, дадам ва онам давлатга тегишли кичкина дўконда ишлашарди. Текширувчилар келиб, кўп ҳолларда оиламиз ҳаловатини бузарди. Бўлар-бўлмасга камомад топиб, пул талаб қилишарди. Дадам эса уйимиздаги биттагина ситиримизни сотиб, текширувчиларга беришга мажбур бўлганини эсласам, ҳозир ҳам томоғимга бир нарсга тикилади. Дўконимиз бўлса-да, бой яшаганимизни, бозордан истган нарсамизни харид қилганимизни эслай олмаيمان. Лекин отам ҳам, онам ҳам ҳеч қачон ҳаётларидан нолишмаган. Дадам билан онам бизларни чексиз ва беқиёс бир меҳр билан вояга етказишган.

Суҳбатимиз давомида оиланинг иккинчи келини, тўрт фарзанднинг онаси, 4 неваранинг бувиси Фотима опанинг қарийб 4 ойдан бери “Аёллар дафтари”да рўйхатда туришини ҳам билиб олдик.

— Тадбиркорлик қилиш учун ҳужжатларимни туман банкига топширдик. Худо хоҳласа, яқин кунларда мен ҳам ўғлим билан ўз бизнесимизни йўлга қўямиз. Қайнонам эса бизга йўлбоши.

Ҳаётини, борини фарзандларининг бахту иқболига бағишлаган, уларнинг дилига эзгулик жойлаб вояга етказган нуруний онахоннинг чеҳрасига боқар эканман, доимо излаб ахтарадиганимиз — ҳақиқий бахт мана шу камтаргина оила ҳаёти мисолида янада ёрқинроқ гавдаланади. Энг муҳими, шу биргина оила бутун Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликда ҳаёт кечириётганининг амалий ифодасидир!



ҒАМҲЎРЛИК

Мамлакатимизда эҳтиёжмандларга ёрдам бериш, кексалар ва беморлар ҳолдан хабар олиш, ўзгалар кўмағига муҳтож, кўнгли ўжик, ҳаракати чекланган, ногиронлиги бўлган шахсларни қадрлаш, меҳр-мурувват кўрсатиш, ҳурматини жойига қўйиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш давлат ва жамиятнинг устувор вазифаларидан этиб белгиланган.

КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БўЛГАН ШАХСЛАРГА ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ СИФАТИ ОШИРИЛАДИ



Алишер ИНОҚОВ,
Тиббий-ижтимоий хизматларни
ривожлантириш агентлиги
директори

Аслида бундай эзгу амаллар асрлар давомида юртимиз аҳли учун ҳавас қилса арзигулик қадрият бўлиб келган. Ушбу қадрият бугунги кунда янги қўрилиш ва замонавий мазмун-моҳиятнинг ўзидики мужассамлаштирилган шаклларда қайта жонланди, янада сайқалланди, такомиллашди. Бугунги кунда дунёда “катта авлод” вакиллари сони 1,1 миллиардга етди, ногиронлиги бўлган шахслар эса 1 миллиардга ташкил қилмоқда. Ўзбекистонда “катта авлод” вакиллари сони 3,5 миллион нафарни ташкил қилади, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сони эса, 760 мингдан ортиқ ва бу кўрсаткичлар мунтазам ўсиб бормоқда.

Ушбу тоифа фуқароларнинг ҳаёт кечириш сифатини ошириш, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизмат турларининг кўлами ва самарасига бевоқифа бўлиб,

Ўзбекистонда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга турли йўналишларда, хусусан, тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация, протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш, уйда ва стационар шароитларда тиббий-ижтимоий хизматларни кўрсатиш, санатор соғломлаштириш, одам савдосида жабрланган шахсларга кўмаклашиш борасида тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишда ва уларнинг кўлами йил сайин ортмоқда.

Сўнгги йилларда тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишнинг қонун ва қонуности базаси такомиллаштирилди, мазкур йўналишдаги қарор ва фармонлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг тегишли фармон ва қарорига асосан, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги қайта ташкил этилди ҳамда у кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш борасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг тузилмаси ва фаолият доираси тубдан такомиллаштирилди. Эски тузилмада агентлик Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида фаолият юритарди, вилоятларда бўлимлар, туман (шаҳар)ларда эса шўъбаларга эга эди. Фаолият доираси қадамга тиббий-ижтимоий хизматлар билан чегараланиб, “ўсиш нуқталари” етарли аниқликда эмасди.

Янги агентлик Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилди, вилоятларда бошқармалар, туман (шаҳар)ларда бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди. Агентликнинг фаолият доираси кенгайтирилиб, унга ижтимоий ҳимоя йўналишида вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш янада кенгайтириш (“ижтимоий кузатув” тизимини жорий қилиш) ва кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш вазифалари қўшилди.

Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларга ойлик маошларига 1,2 баробардан 2 баробаргача устама ҳақлар жорий қилинди. “Мурувват” ва “Саховат” уйларидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг озиқ-овқат ва дори-дармон таъминоти учун ажратиладиган маблағ миқдори оширилди, бюджет ҳисобидан шахсий гиги-

ена воситалари билан тўлиқ таъминлаш йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳридаги уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун янги бино қўрилиши шу йил ноябрь ойида якунланади. Айни пайтда пойтахтимизда Нурунийлар паркни ташкил этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Юртимиздаги барча 35 та “Саховат” ва “Мурувват” уйи учун қўшимча бино қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш топшириғи берилган ва бугунги кунда бу борада аниқ ва мақсадли ишлар қилинмоқда.

“Саховат” ва “Мурувват” уйларида аутсорсинг хизматидан фойдаланишни кенгайтириш, 2021-2022 йилларда манзилли дастурларга киритилган тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш-реконструкция қилиш, бу ишларни келгуси инвестиция дастурларига ҳам киритиш ва 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар кўришга киришилган.

Андижон, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахслар учун 4 та санаторий ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Барча 7 та “Саховат” уйи, уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахслар учун 11 та санаторий автобуслар билан таъминланди. Юртимизнинг диққатга сазовор жойлари ва зиёратгоҳларига кексаларнинг саёҳатлари уюштирилмоқда.

Тиббий реабилитация тизимини тубдан яхшилаш, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида чуқурлаштирилган тиббий курик ўтказиш, соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. “Саховат” уйларида яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини мунтазам равишда баҳолаб бориш, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида бепул соғломлаштириш, энг яхши санаторийларда бепул соғломлаштиришни ташкил этиш ишлари бажаришмоқда.

Тиббий-ижтимоий муассасаларда тизимли тарзда маданий, маърифий тадбирлар, концертлар, турли тўғарақлар ташкил қилинмоқда, шоир-ёзувчилар, санъат намояндалари билан урчуллар ўтказилишмоқда.

2021/2022 ўқув йилида республика олий таълим муассасалари бакалавриятининг кундузги таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул параметрларидан давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг олий маълумоти қадрларга эҳтиёжи асосида ҳудудлар кесимида олий маълумоти “ижтимоий иш” мутахассислигига мақсадли қабул параметрлари тақсимооти тасдиқланди ва бир гуруҳ ижтимоий ходимлар ўқишга қабул қилинди.

Ўзбекистон Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, мактабча ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган, эшитиш қобилияти заиф 2 минг болаки замонавий эшитиш мосламалари билан таъминлаш орқали мослаштирилган (адаптир) ўқув тизими жорий қилинмоқда. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий ва ҳудудий марказларини 54 та экзоскелет ускунаси билан жиҳозлаш орқали реабилитация самардорлиғи оширилади. Ногиронлиги бўлган шахслар замонавий электрон пулти 11,5 мингта аравача билан, кўзи ожиз бўлган шахслар овоз чиқариб гапирадиган 29 мингта термометр, тонометр ва йиғма брайль ўқув китобчалари билан босқичма-босқич таъминланади.

2022 йил 1 майгача “Ижтимоий хизмат” ихтисослаштирилган электрон платформаси ишлаб чиқилади ва ишга туширилади.

Мухтасар айтганда, юртимизда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлиги бўлган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳолдан хабар олиш, ғамхўрлик кўрсатиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бу борадаги амалий ишлар кўламини янада кенгайтирилади. Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахслар ўз дардлари билан ҳеч қачон якка қолмайдилар. Зеро, уларни қўллаб-қувватлайдиган давлатимиз, халқимиз бор.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

▶ Бошланиши 1-бетда

Худудларда ташкил этилаётган бизнес инкубатор, акселератор ва коворкинг ўқув курслари, IT марказлар шу соҳага қизиққан, ғоясини амалиётга татбиқ этиш истагидаги минглаб ёшларга имкониятлар эшигини очмоқда. Орамизда инноватор, дастурчи ёшлар, ихтирочи йигит-қизлар сафи кенгаймоқда. Улар яратган замонавий қурилма, лойиҳалар эса ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, нафақат юртимиз, балки хориж бозорларидан жой ола бошлади. Бир сўз билан айтганда, инновация ҳаётимизга шиддат билан кириб келяпти.

ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ – БИР МАСКАНДА

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасининг қоқ марказида қад ростлаган Инновацион ўқув ва ишлаб чиқариш технопарки ана шундай замонавий масканлардан бири. Яқиндагина иш бошлаган технопарк эшиклари эндиликда робототехника, энергетика, электротехника ва биотехнология каби йўналишларга қизиқувчи, ўз ғоясига эга иқтидорли ёшлар, шу соҳалардан бирида таълим олаётган талабалар ҳамда олий ўқув юртлири ўқитувчилари учун доимо очик.

Талабалар шаҳарчаси ҳамisha ёшлар билан гавжум. Аксарияти атрофдаги олий ўқув юртлирида техника йўналишида тахсил олади. Улар замонавий қурилма, гаджетларни яхши тушуниши баробарида, ўзлари ҳам инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш имкониятига эга илгор йигит-қизлар.

Шаҳарчанинг қоқ “юраги” да бунёд этилган мухтамак бино — Инновацион технопарк энди уларнинг ғояларини рўёбга чиқаришга қўмаклашади. Боиси, бу ерга шу йўналишдаги олий ўқув юртлири талабаларини кўпроқ жалб этиб, амалий сабоқларни ўтиш, назарий билимларини амалиёт билан уйғун олиб бориш, ўқув дастурларини илгор технологиялардан келиб чиқиб тақомиллаштириш мақсад қилинган. Улар бу ерда йирик заводлардаги каби энг илгор техникаларни мутахассислар қўмағида ишлатиш ҳам кўради. Чизмалардан тайёр маҳсулот ясагача бўлган жараён билан амалда танишади.

— Бунинг учун технопаркда барча шароитлар мавжуд, аниқроғи, ушбу маскан айнан шу тизим — таълим, фан ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришга мосланган, — дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион парки миллий офиси бош директори Олимжон Тўйчиев. — Бино уч қаватдан иборат бўлиб, биотехнология лаборатория, ишлаб чиқариш хонаси, тупроқ ўнумдорлигини таҳлил қилиш лабораторияси, 20 га яқин офис, робототехника, стандартлаштириш, 8 та коворкинг, 3 та тренинг ва ўқув хоналари, кутубхона, ошхонадан иборат. Биологик тажрибалар учун иссиқхона ҳам барпо этилган. Аммо бу иншоот шунчаки амалиёт ўтайдиган участка ёки

корхона эмас. Унда иқтидорли ёшлар, талабалар ўзларининг ғоялари, стартап лойиҳаларининг прототипларини яратиш, бозорга чиқадиган тайёр маҳсулотга айлантиришлари мумкин. Бунинг учун технопаркда ҳатто банк, Давлат хизматлари маркази, Интернетуал мулк агентлиги филиали жойлашган. Ана шу давлат идоралари ёрдамида шу ернинг ўзида янги корхоналар ташкил этиш мумкин.

ТУРКИЯ ТАЖРИБАСИ

Технопарк тўлиқ инновацион ечимлар асосида бунёд этилган. Асосий биноси монолитдан қурилган. Барча металл каркасларига ёнгиндан ҳимоя қилувчи бўёқлар билан ишлов берилган. Девоорларида иситиш ва гидроизоляция ишлари бажарилган. Ташқи ва ички қисми энергия тежовчи ускуналар билан жиҳозланган. Том қисмида эса 40 киловаттгача қувватли қуёш панеллари бор.

Технопарк биносининг ташқи маҳобати бир томон бўлса, ички замонавий кўриниши, инновацион йўналишдаги дизайни янада ҳайратланарли. Hi-tech услубга хос замонавийлик бир вақтнинг ўзида оддийлик ва ҳашамдорлиқни, ранглар уйғунлигини мужассам этган. Кираверишданоқ махсус дастур ёрдамида бошқариладиган эшик эътиборни тортади. Катта ва узун кириш йўлаги орқали эса, бионинг бор маҳобатини кўриш мумкин. Ҳатто қайси хонага киришни билмай, ақл шошиб қолади...

Ўтган асрининг 50-60-йилларида илк бор АҚШнинг Стенфорд университетиде иш бошлаган технопарк фаолияти кейинчалик дунёда кенг омалаша бошлади. Бугун жаҳонда ишлаб чиқариш технопарклари кўпайиб бораётган бўлса-да, аслида, илк тажрибадан кўриниб турибдики, бундай масканлар олий ўқув юртлири билан боғлиқ ҳолда иш юритади. Юртимизда бу йўналиш нисбатан



ҚАРОР ВА ИЖРО

“БОБОТОҒ” ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧАДИ

Усмонали НОРМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Пурвиқор тоғлар ортида жойлашган Боботоғ массиви Узун тумани марказидан 117 километр, вилоят маркази Термиз шаҳридан эса 400 километр олисда жойлашган. Боботоғдаги “Толтўғай”, “Боботоғ”, “Янгиобод”, “Оқмачит” маҳаллалари ҳудудида 16 мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилади.

Сўнгги йилларда юртимиздаги энг олис тоғ қишлоқларининг ҳам иқтисодий-ижтимоий ривожланишига алоҳида эътибор берилляпти. Хусусан, Президентнинг Боботоғ ҳудудидаги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, саноат, хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва янги иш ўринлари яратиш орқали тоғлиқлар турмушини яхшилашга қаратилган қарори қабул қилинди.

Мақзур ҳужжат ижроси доирасида Узун тумани ҳўкимининг Боботоғ ҳўдудини комплекс ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этилди. Айни пайтда тоғли ҳўдуд аҳолисининг эҳтиёж ва талаблари ўрганилмоқда. Қарорда белгиланганидек, кейинги ўй илч мўбайинда ҳўдудда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган 2 882 гектар ер қайта фойдаланишга киритилиши керак. 2021 йил учун прогнози қилинган 1 150 гектар ерни ўзлаштириш қизгин давом этмоқда. Хусусан, экинзорларга қўшни Тожикистоннинг Кофарниҳон дарёсидан насос ёрдамида сув чиқариш мақсадида канал ҳамда янги сув шўхобчалари қазилляпти. Бу мақсадлар учун 8 миллиард сўм ажратилди.

2022-2023 йилларда эса маҳаллий бюджетдан 200 миллион сўм ажратилиб, МР-1 каналининг 19,2 километр қисми ва гидротехник иншоотлари таъмирланади. Шу билан бирга, Шўроб сел тракти реконструкция қилинади. Шунингдек, Оқмачит, Маданий турмуш, Малик-1 ва Малик-2 насос станциялари модернизация қилинади. Натижада ҳўдуддаги 2 462 гектар экин майдонининг сув таъминоти яхшиланади.

Боботоғ ҳўдудида мевали боғлар, ўзумзор ва тузторларни кенгайтириш, чорва моллари бош сонини кўпайтириш учун жорий йилда умумий қиймати 12,1 миллиард сўмлик 28 та лойиҳа амалга оширилди. Жўмладан, 120 гектар майдонга ёнғок, 45 гектар ерга бодом нихоллари экилди. 75 гектар мевали боғ ва 3 гектар тоқзор барпо қилинди. Мевали боғларпо этиш ташаббуси билан чиққан тадбиркорларга қайта фойдаланишга киритилган ерлардан 210 гектар ажратиб берилди. Ҳўзир ташаббускорлар бў жойларда ўз маблағи ва банк кредити ҳисобига янги боғлар барпо этишляпти.

“Саидимрон боғ” фермер ҳўжалиги раҳбари Улўғбек Ғўломов шу пайтгача 13 гектар майдон-

Жараён



ИННОВАЦИОН ТЕХНОПАРК:

янги бўлгани боис, Инновацион технопаркни ташкил этишда бошқарув компанияси сифатида Туркиянинг 20 йиллик тажрибага эга Yildiz технопарки жалб қилинди. 2019-2020 йилларда ушбу давлатнинг энг яхши технопарки, деб топишган мазкур корхона жаҳонда ҳам машҳур. Туркиядаги 67 та технопаркда ишловчи 47 минг кишининг бешдан бири Yildiz нинг ходимлари. 2020 йилда корхонанинг умумий пул айланмиси қарийб 13 миллиард долларни ташкил этган. Экспортдан олинган фойда эса 4,6 миллиард долларга тенг бўлган.

Инновацион технопарк лойиҳасининг умумий қиймати 110 миллиард 318 миллион сўм бўлиб, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Инновацион ривожланиш вазирликлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Туркиялик ҳамкорлар эса ўз тажрибалари асосида лойиҳанинг амалий жиҳатларида қўмаклашмоқда. Шу кўнларда юртимизга ҳамкор ташкилотдан яна 8 нафар мутахассис келиб, яқин йилларда технопарк тизимида бажариладиган ишлар бўйича ўз тавсияларини бериши билан бирга, ёшларга мотивацион тренинглр ўтади.

— Тошкентга келганимизга уч ой бўлди. Технопаркка маслаҳатчи сифатида тақлиф этилганмиз. Очиғи, қардошларимиз билан шундай йирик лойиҳада ҳамкорлик қилаётганимиздан жуда мамнунимиз, — дейди Туркиядаги Yildiz техника университети ректори маслаҳатчиси, профессор Сердар Билги. — Бунда, энг аввало, тажрибаларимизни дўстона ва ҳалоллик билан татбиқ этиш мақсад қилганмиз. Мутахассисларимизни олиб келиб, маҳаллий кадрларни тайёрлашга қўмаклашамиз. Ҳўзир шу модель устида ишлаб, лойиҳа тақдимотиини ҳам ўтказдик. Биласизми, Туркияда технопарклар ўз фаолиятини сўст бошлаган. Ўзбекистон эса ўзи учун янги бўлган бу соҳада илк қадамларни жуда дадил ташлади. Ишонамнки, Туркия технопарклари амалиётда 20 йилда келган нўқтага Ўзбекистон қисқа вақтда етиб боради.

ҒОЯ ИХТИРОГА АЙЛАНАДИ

Ҳаёлимизни банд этган лойиҳаларимиз баъзан реал ҳаётга мос келмаслиғи ёки ишлаб чиқарувчи талабига жавоб бермаслиғи мумкин. Шу боис, баъзан уни кимнингдир қўмағида тақомиллаштириш, билимлар асосида аниқ тизимга солиш талаб этилади. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Инновацион технопарк юртимизда иш бошлаган кўплаб ишлаб чиқариш технопаркларидан ана шу жиҳатлари билан фарқ қилади. Яъни бу ерда ёшлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан олдин илмий амалиёт орқали назарий билимларини оширади. Кўнгиллилар учун ғоясининг тайёрлик даражаси, босқичига кўра, олти ойгача давом этадиган ўқув курслари ҳам тақлиф этилади. Уларда малакали мутахассислар, таниқли тадбиркорлар томонидан лойиҳаларни тўғри тақдимот қилишдан тортиб, уни ривожлантириш, бизнес режа тайёрлаш ва бошқа кўплаб билимлар бериллади. Текин курсларга йигит-қизлар танлов асосида саралаб олинади.

Инновацион технопарк салкам 11 минг кв. метр майдонда қад ростлаган. Бу ерда исталган ёшдаги киши синов талаблари асосида ўз лойиҳасини амалга ошириши ёки онлайн рўйхатдан ўтиш орқали кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиши мумкин.

— Мақсадимиз ўз ғояси билан кириб келган иқтидорли ёшларга амалий қўмак бериб, лойиҳани тайёр маҳсулотга айлантириш ва бозорга чиқаришгача бўлган жараёнда қўмаклашишдан иборат, — дейди Тошкент давлат техника универ-

ситетининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Шерзод Нейматов. — Бунинг учун аввал уларни ўқитиб, зарур билимлар бериллади. Ҳатто техника соҳасига қизиқувчи ёшларда ғоя пайдо бўлиши учун ҳам технопаркдаги курсларга жалб қиламиз. Улар топшириқлардан ўтиб, тестларни топширганидан кейингина бу ердаги мавжуд замонавий техникалардан фойдаланиши мумкин бўлади. Боиси, техника-технологиялар Япония, Германия, Россия, Туркия, Хитойдан олиб келинган бўлиб, фойдаланишдан олдин ўрганишни талаб этади. Бу техник хавфсизлик жиҳатидан ҳам муҳим.

Бундан ташқари, технопаркда йирик ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ваколатхоналарини жойлаштириш кўзда тутилган. Ёшлар йирик тадбиркорлар билан ёнма-ён ишлаш асосида ўз маҳсулотларига катта буюртмалар олиш имкониятини ҳам қўлга киритиши мумкин.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

“АҚЛЛИ” СУВ ВА КАМЕРА

Қўлайликлардан яна бири — технопаркда талабаларнинг амалиёт ўташи текин, резидентлар учун эса солиқ имтиёзлари жорий этилган. Уларни қабул қилишда технопарк ташкилий тузилмасининг маслаҳат кенгаши комиссия сифатида фаолият юритади ва талабгорларни ўрганиб чиқади. Жараёнга жалб этиладиган олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари мутахассислари бир қанча мезонлар бўйича ўз ҳулосаларини бергач, шу асосда резидентлар қабул қилинади.

Технопаркнинг очилиш маросимида илк резидентлар ўз лойиҳалари билан иштирок этди. Тошкент давлат техника университети 4-курс талабаси Дилшод Ҳасановнинг “Smart Water”, яъни “Ақлли сув” лойиҳаси тақдимоти кўпчилиқда қизиқиш уйғотди. Иштирокчи томонидан ясалган кичкина қурилма сув ҳавзаларидаги оби-ҳаёт сатҳини ўлчаб, унинг камайиши ёки кўпайиши, бу борада амалга ошириш зарур бўлган чоралар тўғрисидаги маълумотларни республикадаги ягона серверга етказиб туради. Айни пайтда юртимиздаги бир қанча сув ҳавзаларига 450 та шундай датчик ўрнатилган. Ихтирочи бунч завод механизмида ясамаганига қарамай, қурилма самарали ишламоқда. Эндиликда Дилшод технопаркда резидент сифатида фаолиятини йўлга қўйиб, йилгача мингтагача ана шундай махсус қурилмани ишлаб чиқариши мўлжалламоқда.

хизмат кўрсатиш, сартарошлик, этикдўзлик шўхобчалари иш бошлади.

Жўмладан, Анороҳол Шоймардоновага бўш турган коллеж биносидан жой ажратилди ҳамда 100 миллион сўм субсидия берилди. У “Анора Билолиддин” оилавий корхонасини очиб, 18 нафар хотин-қизни ишли қилди. Айни пайтда корхона чеварлари кўнга 3 миллион сўмлик кийим-кечак тикиб, маҳаллий бозорга чиқармоқда.

Қарорда Боботоғ ҳўдудида энди фаолиятини бошлаган тадбиркорлик субъектларини қўлаб-қувватлаш ҳам назарда тутилган. Жўмладан, тадбиркорлар ва аҳолини ихтимойи ҳимоя қилиш мақсадида янги ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари ва кластерлар бир қатор солиқлардан озод қилинган ёки имтиёзлар берилган. Хусусан, улар ер ва мол-мулк ҳамда фойда солиқларидан озод қилинган. Бу ҳам тоғлиқлар учун катта имконият яратмоқда.

Бугунгача ҳўдуддаги ички йўлларни таъмирлаш, пибдалар йўлакчалари барпо этиш бўйича 400 миллион сўмлик иш бажарилди.

Шу йилнинг август ойида Боботоғ ҳўдудида мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилиши бу ерда ашаётган хотин-қизлар ҳаётида ҳақиқий қувончли воқеага айланди. 120 ўринли мазкур боғчадаги шароитлар шаҳардагидан кам эмас. Яқин кўнларда эса “Янгиобод” маҳалласида ҳам 120 ўринли боғча фойдаланишга топширилади. Келгусида “Толтўғай”,

Халқаро Вестминстер университети битирувчиси Шаҳзод Умўрзоқов ва унинг жамоаси эса сўний интеллектга асосланган ақлли камерани намойиш этди. У одатий камералардан бир қанча мураккаб функцияларни мустақил бажара олиши билан фарқ қилади. Масалан, одатдаги кузатув камераларидан маълумотни олиш учун серверга улашиб, сўнг қайдларни қайта ишлашга тўғри келса, ақлли камера бу таҳлилларни махсус механизм асосида ўзи амалга оширади ва фойдаланувчига керакли маълумотларни жўнатади.

Айни пайтда республикамызда 3 мингта ана шундай камера ўрнатилган бўлиб, 32 та компания билан ишлар ташкиллаштирилган. Улар, асосан, савдо дўконлари, таълим тизимида жорий этилмоқда. Боиси, ақлли камералар одам гавжум савдо дўконларида

маркетинг учун зарур маълумотларни таҳлил қилиб, етказиб берса, таълим жараёнларида ўқувчиларнинг дарсларини ўзлаштириш кўрсаткичларидан тортиб, тахсил вақтида қай ҳолатда ўтирганигача аниқлаб беради. Шу билан бирга ўқитувчининг дарс ўтиш сифатини ҳам баҳолайди.

Инновацион технопарк шу йил декабрь ойдан юзлаб ана шундай иқтидорли, изланувчан ёшларни қабул қила бошлайди. Ушбу маскан инновацион ғояларини амалга ошириш истагидаги йигит-қизлар учун “ғоялар генератори” вазифасини ўтади. Интилувчан йигит-қизлар бу ерда билимларини тақомиллаштириш билан бирга даромад ҳам топади.

Ёшларга янада имконият яратиш мақсадида технопарк бошқарув кенгаши ҳар ойнинг бир кўнини “Demo day”, яъни тақдимотлар кўни сифатида белгилашни мақсад қилган. Унга ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар, давлат ташкилотлари вакиллари, банклар ва инвесторлар тақлиф қилиниб, резидентларнинг истиқболли лойиҳалари тақдим этилади. Ишлаб чиқаришга лойик топишган лойиҳалар инвесторлар томонидан шу ернинг ўзида қўшимча молиялаштирилади.

Демак, энди “яхши ғоям бор”, дея эшикма-эшик юриб, инвестор излаш ортда қолади. Юртимиздаги иқтидор эгалари, лойиҳалар муаллифлари Инновацион технопарк сингари замонавий масканларда қўлай ва шинам муҳитда ўз ғояларини тақдим қиладилар.



“Оқмачит” маҳаллалари ҳўдудида 150 ўринли иккита муҳташам боғча қурилади ва улар учун ер ажратилди.

— Киндик қоним Боботоғ заминиде тўкилган, ёшлик ва йигитлик даврим пурвиқор тоғлар бағрида ўтди, — дейди 67 ёшли отахон, “Ҳожиакбар” деҳқон ҳўжалиги раҳбари Жўра Алламуродов. — Гапнинг рости, Боботонинг ривожлантиришга бўғундигдек ҳеч қачон эътибор берилмаганди. Аҳоли турмушини фаровонлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тоғлиқларни жуда шодлантirmoқда. 2023 йилга бориб Боботоғ чин маънода замонавий, ҳар жиҳатдан тўқис ва фаровон масканга айланади.

Миллий гурур, миллий ўзликни англаш пойдевори бўлган она тилига меҳр қўйиб уни чуқур ўзлаштириш, нуфузини ошириш, аввало, таълим сифатига боғлиқ. Бу борадаги таълим эса табиийки, болалар боғчасидан бошланмоғи лозим. Зеро, мактабгача таълимда бошланган жараён ўрта таълимда ривожланади, олий таълимда ўз самарасини бера бошлайди.

Юртимиз олийгоҳлари орасида илмий салоҳияти бўйича миллий рейтингда етакчи ўринда турган, тўрт мингдан ортиқ бўлғуси тилимиз фидойилари тахсил олаётган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, профессор Шўхрат Сирожиiddинов билан суҳбатимиз тил таълими ва она тилимизнинг келажаги хусусида бўлди.



— Янги Ўзбекистон пойдевори қўйлаётган, ўзбек тилининг мавқеи учун курашилаётган ҳозирги кунда сиз раҳбарлик қилаётган университетнинг ўрни қандай? Жамоа ўз зиммасига қўйилган ўта масъулиятли ва аини пайтда шарафли вазифани қай даражада уддаламоқда?

— Биласизми, ўзбек адабий тилига тама-л тошини қўйган донишманд бобомиз Алишер Навоий ўз даврида “Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билимни, гўҳари шарифроқ йўқ ондин”, — деб ёзган эди. Бу ҳикматомуз гаплар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, аксинча, инсон ва жа-миат ўз тилига қанчалик эътибор қара-тадигани бўлса, шунчалик жаҳолатдан, фикрсизликдан узоқлашиб боришини даврининг ўзи кўрсатиб турибди. Бизнинг ўзлигимиз, ўзагимиз, эътиқодимиз, маъ-навиятимиз рамзи саналган тилимизнинг мамлакатимиз ва халқро майдондаги нуфузини кўтариш борасида оламшумул ишлар амалга оширилмоқда.

2016 йил 13 май куни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этили-ши бу борадаги туб бурилиш бўлди, де-сам янглишмайман. Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, ўтган беш йилда жамоа астойдил, кечани кеча, кундузни кундуз демай она тилимиз ва адабиётимизнинг обрўсини ошириш, тарғиб қилиш соҳа-сида фидокорона меҳнат қилди. Иш режа-лари янгиланди, 70 га яқин фан бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, уларга “Навоийшunosлик”, “Навоий ижодини ўр-ганиш”, “Аруз ва поэтика”, “Тасаввуф ва ба-дийий иқод”, “Корпус лингвистикаси”, “Давлат тилида иш юритиш”, “Прагма-лингвистика”, “Социоллингвистика” каби фанлар киритилди ва шунга мос равишда услубий мажмуалар, дарсликлар яратил-ди.

Рақамларга эътибор беринг: бугун университетда 4 та факультет, 15 та ка-федрa, 1 та лицей, 5 та марказ фаолият олиб бормоқда. 5 та бакалаврият таълим йўналиши, 8 та магистратура мутахассис-лиги очилган. Талабалар сони 4 мингдан ошди. Тезкор интернетга уланган 328 та компьютер, 6 та инфокиоск, 13 та элек-трон доска, 6 та мультимедияли минбар, 30 000 дан зиёд адабиёт захирасига эга АРМ уларнинг хизматиди.

150 дан ортиқ профессор-ўқитувчи-нинг 97 нафари илмий даражага эга, уларнинг 4 нафари академик, 37 нафари фан доктори, 70 нафари фан номзоди, фалсафа докторлари. Миллий рейтингда етакчи эканлигимиз энг катта ютуғимиз бўл-са, бу натижани қўлдан бермаслик асо-сий мақсадимиздир. Кунин кеча Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тили бай-рами муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригида универсте-тимизнинг алоҳида тилга олингани эса,

“**МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, ИНТЕРНЕТДА ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МАҚОЛАЛАР АДАДИ 5 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ, УНДАН КЕЙИНГИ ЎРИННИ 1,5-1 МИЛЛИОНТА МАҚОЛА БИЛАН НЕМИС, РУС, ЯПОН ТИЛЛАРИ ЭГАЛЛАР ЭКАН. МАНА, ИНГЛИЗ ТИЛИНИНГ ОММАЛАШИБ, ДУНЁГА ЁЙИЛИБ КЕТГАН САБАБЛАРИДАН БИРИ ҚАЕРДА! ҚОЛБУКИ, МАДАНИЙ МЕРОС, АДАБИЁТ, САНЪАТ БОРАСИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ДУНЁНИНГ ЭНГ ОЛДИНГИ ХАЛҚЛАРИДАН БўЛГАН. МАНА ШУНДАЙ УЛКАН МЕРОС БИЛАН ДУНЁГА ЧИҚАДИГАН БўЛСАК, БУ ЭНГ КАТТА ЮТУҚЛАРИМИЗДАН БИРИ БўЛАДИ.**”

айни мақсадимиз йўлида бизга янада куч бағишлади. Зеро, таълим даргоҳи-мизда янги йўналишлар очилиб, ўзбек тилини турли соҳаларда қўллашга доир тадқиқотлар олиб борилаётгани диққатга сазоворлиги таъкидланди.

— Кейинги йилларда универсе-тетнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги ҳам янада жадаллашди. Айниқса, тилимизнинг нуфузини оши-ришга қаратилаётган халқро анжу-манлар алоҳида эътирофга сазовор, шундай эмасми?

— Ҳозирда 72 та хорижий давлат билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. 19 та дав-латнинг олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан 76 та ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Шунга мувофиқ, Туркия, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Аме-рика Қўшма Штатлари каби давлатларга ҳар йили юзлаб талабалар ва профес-сор-ўқитувчиларни тажриба ўргангани юборяпмиз. 2016-2019 йилларда улар сони 202 нафарни ташкил этган бўлса, биргина 2020 йилда 150 нафари хорижда тажриба алмашиб қайтди.

Айтганимиздек, ўзбек адабиёти ва ўзбек тилининг долзарб масалалари бўйича 10 дан ортиқ халқро, 50 га яқин республика анжуманларини ўтказдик. Уларда бўтун дунёдан ўзбек тилшунос-лари фаол иштирок этмоқда. Масалан, жорий йил 18 октябрь куни “Ўзбек тили тарақиёти ва ҳамкорлик масалалари” мавзусида халқро анжуман ташкил эт-дик. Унда Туркиядаги Бандирма Унеди Улул университети ректори Сулеймон Ўздемир, АҚШдаги Шимолий Алабама университети проректори Чуншенг Занг, Қозғоғистон Республикаси Мухтор Авезов номидаги Адабиёт-санъат институти ди-ректори Кенжаҳон Матчонов, Мексикада-ги Мариста де Гвадалахара университети профессори Пабло Куирос Зереда, Озар-байжон Илмлар академияси Низомий номидаги Тиллар институти профессори Элчин Иброҳимов ва бошқалар фаол қат-нашди. Бундай мисолларни кўплаб кел-тириш мумкин.

Буларнинг барчаси давлат томонидан она тилимизга ва адабиётимизга бери-лаётган юксак эътибор натижасидир. Ле-кин ҳали олдинда қиладиган ишларимиз кўп. Бизга ота-боболаримиздан мерос энг яхши бадийий асарларни чет тилларга таржима қилиш, хорижда ўзбек адабиёти ва она тилимизни кенг тарғиб этиш, ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш, она

тилимизни дунёнинг етакчи тиллари-дан бири қаторига олиб чиқиш энг олий мақ-садимиздир. Бунинг учун жамоада илмий салоҳият ва куч-қувват етарли.

— Ўзбекистон — кўп миллатли мам-лакат. Ўзбек тилига давлат тили мақо-ми берилиши ва уни такомиллашти-риш йўлида олиб борилаётган ишлар бошқа тиллар ривожига таъсир кўр-сатмайдими?

— Тилимизда жуда ажойиб сўз бор: “баркикенглик”. Уни тилга нисбатан қў-лаб, “лисоний баркикенглик” деган ибора ясалган. Бу ибора фақат Ўзбекистонда борга ўхшайди. “Давлат тили ҳақида”-ги қонуннинг 2-моддасида “Ўзбек тили-га давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элаларнинг ўз она тилини қўллаш-дан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди”, деган таъкид бор. Қонуннинг 4, 5, 6, 17, 18, 23 ва 24-модда-ларида ҳам бошқа тилларга нисбатан хайрхоҳчиликни сезиш мумкин. Мамла-катимизда таълим-тарбия 7 тилда олиб борилаётгани, рус, қирғиз, қозоқ, тожик, қорақалпоқ, туркман тилларида телекўр-сатувлар, радиоэшиттиришлар, омма-вий ахборот нашрларининг йўлга қўйил-гани юқоридаги фикримиз исботидир. Ўзбек халқи ҳеч қачон бошқа халқларга, уларнинг миллий қадриятлари ва тилига нисбатан ҳурматсизлик қилган эмас. Энг оғир дамларда ҳам катта сабр-бардош, ғамхўрлик билан бошқа миллатларнинг дардига малҳам бўлишга интилиб келган.

“Кимки ўзга тилларни билмаса, ўз ти-лини ҳам яхши тилларинмайди”, — деган эди немис шоири И.В.Ҳёте. Универстетимиз-да ўзбек тили билан бир қаторда инглиз, араб, форс, француз, немис, усмонли турк

зирик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари ва ҳўжалик бирлашмалари ходимлари учун), “Ўзбек адабий тилининг ёзма нутқ меъёрлари” (кенг аҳоли қатла-ми учун), “Ўзбек тили” (ўзга миллат вакил-лари ва ўзбек тилини ўрганувчилар учун), “Қизиқарли ўзбек тили” (хорижликлар учун), “Ўзбек адабий тили меъёрлари ва нутқ маданияти” (телерадиокомпания тизимидаги суҳандон ва бошловчилар учун), “Ўзбек тили ва адабиёти” ҳамда “Ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили” таъ-лим йўналишлари бўйича касбий қайта тайёрлаш курслари ташкил қилинган.

Ҳозирги кунгача марказ ва унинг ҳудудий бўлинмаларида давлат ор-ганлари ва ташкилотларининг 7 780 нафар, кенг аҳоли қатламининг 150 на-фар, телерадиокомпания тизимидаги телерадиоканалларнинг 25 нафар, ўзга миллат вакилларининг 250 нафар, хо-рижлик фуқароларнинг 66 нафар тинг-ловчиси ушбу курсларни муваффақият-ли якунлади.

Шу билан бирга, Марказга фуқароли-ги бўлмаган шахслар учун давлат тилини билиш даражасини аниқлаш ва серти-фикат бериш, савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига давлат тилида ном бериш (нейминг) хизмати кўрсатиш каби қўшимча вазифалар юк-латилган.

Фуқаролиги бўлмаган 1200 нафар шахсдан давлат тилини билиш даража-сини аниқлаш синов имтиҳонлари ўткази-либ, уларга давлат намунасидаги серти-фикат берилди. Бу каби ишларни олдин ҳаёлга ҳам келтириб бўлмасди.

— Бугунги глобаллашув жараё-нида ўзга миллий тиллардан ортда қолмаслиги учун биз она тилимизнинг

ника, нейрхирургия, нанофизика, ген инженерияси каби тор соҳаларда ҳам ўзбек тилига йўл очишимиз керак.

Маълумотларга кўра, интернетда ин-глиз тилидаги мақолалар адади 5 милли-ондан ортиқ, ундан кейинги ўринни 1,5-1 миллионга мақола билан немис, рус, япон тиллари эгаллар экан. Мана, инглиз тилининг оммалашиб, дунёга ёйилиб кет-гани сабабларидан бири қаерда! Қолбу-ки, маданий мерос, адабиёт, санъат бо-расида ўзбек халқи дунёнинг энг олдинги халқларидан бўлган. Мана шундай улкан мерос билан дунёга чиқадиган бўлсак, бу энг катта ютуқларимиздан бири бўлади.

— Бугунги тил таълими сизни қо-ниқтирадими? Унинг сифатлигини, самарадорлигини ошириш учун нима-ларга эътибор қаратиш керак?

— Очигини айтсам, йўқ. Ҳали ҳам таж-риба босқичида яшаяпмиз. Она тилини ўқитиш методикаси энг оқсоқ жойла-ри-миздан бири. Бунинг бош сабаби илгор методлардан беҳабармиз. Чет давлатлар ўз тилларини ўқитишда аудио, видео, компьютер, мультимедиа воситаларидан, интерактив доскалардан фойдаланишга ўтиб бўлган. Бизда эса, ҳали ҳам мута-хассисларнинг аксарияти “Дарсликни ким ёзади?”, “Электрон доскада ишлай ола-симизми?” деган саволларга жавоб топиш билан овора.

Қачонки, тил таълимига янги ахборот ва педагогик технологияларни татбиқ этишни кўр-кўрона эмас, моҳиятан олиб киришга эришсак, ўшанда тил таълими соҳасида туб бурилиш ясай олдик, десак бўлади.

Қаранг, юртимиздаги барча педагогик йўналишлардаги университетларда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитилади, аммо

ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, жипс-лашиб ўзбек тилининг кейинги тарақиёти учун курашмоғимиз керак.

Авалло, барча миллатдошларимиз қалбида она тилидан гурурланиш, фахрланиш туйғусини уйғотишимиз зарур. Зеро, бундай гурури бўлмаган миллат бошқаларга тақдир қилишдан бошқасига ярамайди. Иккинчидан, ёшларимизга хорижий тилларнинг бир нечтасини ўргатиш баробарида уларда она тили бўйича мустаҳкам билим ва малака ҳосил қилиш шарт. Учинчидан, узлуқсиз таълим тизимида она тилини ўқитишни тубдан яхшилаш, унга замонавий дарс бериш усулларини олиб кириш, дарсликлар, услубий қўлланмалар кабиларнинг сифатини замон талаблари даражасига кўтариш лозим. Энг муҳими, болаларимиз ва миллатдошларимизни она тилидан “бездириб” қўймаслик керак.

Барча вазифалар “2020-2030 йиллар-да ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепция-си”да белгиланган бўлибди. Унга кўра, 2025 йилга қадар давлат мактабгача таълим тизимида амалдаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳудудларини кенгай-тириш ёки янги қуриладиган муассасалар ҳисобига ўзбек тилли гуруҳлар қамрови-ни 72 фоизга, 2030 йилгача эса, 80 фо-изга етказиш белгиланган. Шунингдек, 2030 йилга қадар умумтаълим мактаб-ларида таянч ўқув режаларида ўзбек тили фанини ўқитиш қўламини амалдаги ҳаф-тасига 84 соатдан 110 соатгача ошириш; олий таълим муассасаларида ўзбек тили кафедралари сонини 2025 йилга қадар 120 тага, 2030 йилгача 140 тага етказиш; лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбо-сида “Ўзбекистон миллий қомуси” жилд-ларини нашр этишни босқичма-босқич қўпайтириб бориш; 2020 йилда ўзбек ти-лининг лўғат бойлигини оширувчи 15 та лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳ-ли лўғатлар яратиш; телерадиоканаллар суҳандон-бошловчиларининг ўзбек ада-бий тили бўйича нутқ маданиятини оши-рувчи қайта тайёрлов курсларида ўқитиш тизимини жорий этиш ва қамровни 2030 йилгача 100 фоизга етказиш; 2025 йилга қадар давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳўжатларининг ягона электрон намуна-ларини ишлаб чиқиш ва улардан фойда-ланиш учун 14 та онлайн дастур яратиш, 2030 йилгача эса, ушбу кўрсаткични 25 га етказиш; дастурий маҳсулотларнинг ўз-бекча иловалари ва электрон лўғат дас-турлари; хорижликлар учун ўзбек тили-ни ўргатувчи дастурларни жорий қилиш; 2030 йилга қадар хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини амалдаги 17 тадан 60 тагача қўпайтириш; 2025 йилга қадар “Ўз-бек тилининг дўстлари” қўлағари сонини 30 тага, 2030 йилгача эса, 40 тага ет-казиш; кўп жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли лўғати”нинг тўлдирилган янги нашри (ки-рил ва лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида) ва бошқа соҳавий лўғатлар-ни яратиш олдимида турган муҳим вазифа-лардан саналади.

Зеро, мамлакатимиз Президенти қай-та-қайта таъкидлаганидек, “Она тили-миз — миллий маънавиятимизнинг бит-мас-туганмас бўлуғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳўрмат ва эҳтиром кўрса-тиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.”

“Янги Ўзбекистон ” мухбири Муножат МУМИНОВА суҳбатлашди.



ва бошқа тилларни ўрганишга кенг имко-ниятлар яратилган. Турк тили ва мадания-ти, Озарбайжон илмий-тадқиқот маркази, Пушкин номидаги рус тили ва адабиёти маркази, Корей тили маданияти маркази фаолият юритиб келмоқда. Ўзбек-инглиз, ўзбек-немис, ўзбек-француз таржима таъ-лим йўналишлари очилган. Келгусида ўзбек-хитой, ўзбек-япон, ўзбек-корейс, ўз-бек-араб таълим йўналишларини ташкил этмоқчимиз. Бундан фақат халқимиз наф қўради. Демак, давлат тилини тарғиб қи-лиш баробарида бошқа тилларнинг рив-ожи учун ҳам кенг йўл очиб берилмоқда.

— Университет ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқи-тиш ва малака ошириш маркази аини пайтда давлат тилида иш юритиш, умуман, ёзма ва оғзаки нутқ меъёр-ларини ўргатиб келяпти. Ўзбек тили байрами куни Ўзбекистон Президенти халқимизга йўллаган табриқда ушбу марказ ҳам тилга олинди. Айтинг-чи, шу кунгача малака ошириш курслари-да қанча тингловчи таълим олди?

— Марказда “Ўзбек адабий тили меъ-ёрлари ва давлат тилида иш юритиш” (ва-

тарақиёти йўлида қандай ишлар қи-лишимиз керак?

— Бу долзарб ва кечиктириб бўлма-й-диган масала. Ваҳоланки, мутахассислар дунёда 7000 дан ортиқ тил борлигини таъкидлашади. Шулардан ярмини кела-жақда аянчли тақдир — ер юзидан бўту-нлай йўқолиб кетиш ҳавфи кўтиб турибди. БМТ томонидан шундай рўйхат тузилган. Бу рўйхатга кириб қолмаслик учун биз астойдил ҳаракат қилишимиз, ўзбек ти-лининг машинавий тилини яратишимиз, шевалардаги бор бойлигимизни йиғиб, саралаб, улардан энг маъқулларини адабий тилимизга киритишимиз, четдан кириб келаётган ҳар бир сўз, ибората ўта эҳтиёткорона муносабатда бўлиши-миз, ўзбек тилини дунё микёсига олиб чиқишимиз талаб этилади. Айниқса, аниқ фанлар — физика, математика, кимё, биология ва техника соҳаларида қўлла-надиган сўз ва иборалар устида жиддий бош қотириш, уларда ўзбекча илмий ус-лубни шакллантириш зарур. Униқ фан-лар терминологияси энг катта муаммо-лардан бири. Илм-фан, техника тилини “ўзбекчалаштиришимиз”, микроэлектро-

уларнинг биронтасида методика кафе-драси йўқ, методика бўйича бирон жой-да мутахассис тайёрланмайди. Биз бири-чилардан бўлиб алоҳида ўзбек тилини, ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси кафедраларини ташкил этдик. Шу билан бирга, кафедраларнинг моддий-техник базасини яхшиладик, хорижда тахсил олиб келган мутахассисларни жалб этиб, методикадан ҳимоя кенгашларини очдик, мактаб дарсликларининг мультимедияли вариантларини ярата бошладик. Очиги-ни айтсам, инглиз, рус, немис тилларида бўлгани каби мультфильмлар яратишдан тортиб, хорижий сайёҳларни олиб юр-увчи гидлар тайёрлашгача она тили таъ-лимини олиб қирмоқчимиз. Шундагина тил таълимида қутилган ўзгариш бўлади, деб айта оламан.

— Сизнингча, ўзбек тилини келажак-да қандай тақдир кутмоқда?

— Ўзбек тили дунёнинг энг бой ва қад-имий тилларидан бири саналади. Демак, халқимизнинг ўтмиши, бугуни, келажаги тилимизда ўз аксини топган. Уни йўқотиш — нафақат тарихимизни, балки келажаги-мизни ҳам бой бериш дегани. Шундай экан,